## III. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида вилоят корхоналари томонидан 2 250,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 119,9 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 64,8 % ни (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,2 %и), ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш индекси 115,0 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 87,0 %и), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 2,5 мартага (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,1 %и) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг– 93,3 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,7 %и) ўсиши ҳисобланади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби**
*(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да)*



## Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаши

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаши корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 4,2 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,2 % ни ташкил этди.

## Ишлаб чиқариладиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 1 956,5 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 87,0 % ни ташкил этди.

### 2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарадагин йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

| | *2020 йил январь-март* | *2019 йил январь-март* | *2019 йил январь-март ойларига нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| Пахта линти, минг тонна | 1,3 | 1,2 | 108,3 |
| Арок - минг литр 100 % спирт | 125,7 | 82,0 | 153,3 |
| Коняк спирти - минг литр 100 % спирт | 15,1 | 29,2 | 51,7 |
| Вино, минг литр | 226,0 | 380,0 | 59,5 |
| Ун, минг тонна | 28,8 | 30,4 | 94,7 |
| Ўсимлик ёғи (тозаланган), минг тонна | 6,0 | 4,1 | 146,3 |

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти турлари**

*(йирик корхоналар бўйича)*

| | *Ўлчов бирлиги* | *2020 йил январь-март* | *2019 йил январь-март ойларига нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | тн. | 28 825,9 | 94,8 |
| Кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар | тн. | 29 102,0 | 146,2 |
| Миллий нон | тн. | 9,7 | 98,0 |
| Тозаланган ўсимлик ёғи | тн. | 6 020,0 | 145,3 |
| Пахта толаси | тн. | 11 948,0 | 72,4 |
| Пахта чигити | тн. | 20 408,0 | 80,5 |
| Пахта линти | тн. | 1 318,0 | 112,5 |
| Ароқ - 100% спирт | минг литр | 125,7 | 153,3 |
| Коньяк спирти - 100% спирт | минг литр | 15,1 | 51,7 |
| Вино | минг литр | 226,0 | 59,5 |
| Хом ипак (пишитилмаган) | тн. | 5,1 | 100,0 |
| Пахтадан йигирилган ип ишлаб чиқариш | тн. | 2 687,0 | 138,2 |
| Таркибида 85 мас.% ёки ундан кўп пахта толаси бўлган, устки зичлиги 200 г/кв.м дан кам ип газламалар | тн. | 1 510,0 | 72,8 |

| | Ўлчов бирлиги | 2020 йил январь-март | 2019 йил январь-март ойларига нисбатан, % да |
|---|---|---|---|
| Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар | тн. | 93,7 | 2,0 м. |
| Трикотаж ёки тўқилган устки кийимлар | минг дона | 138,7 | 100,0 |
| Ичдан кийиладиган трикотаж кийимлар | минг дона | 150,5 | 100,0 |
| Электр энергияси | млн. кВт/с | 1 060,7 | 100,0 |
| Иссиқлик энергияси | минг гкал | 30,8 | 122,6 |
| Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар | минг сўм | 10 534 867,0 | 107,4 |
| Оқава сувларнинг шлами | минг сўм | 1 149 510,0 | 111,2 |
| Шаҳар хўжалигининг қайта фойдаланишга яроқли хавфсиз чиқиндиларини йиғиш бўйича хизматлар | минг сўм | 18 918 396,0 | 3,1 м. |
| Хавфсиз чиқиндиларни йиғиш бўйича хизматлар | минг сўм | 3 743 645,0 | 144,4 |

**2020 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

| | млрд. сўм | улуши, % да |
|---|---|---|
| **Ишлаб чиқарадиган саноат** | **1 956,5** | **100,0** |
| озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 445,7 | 22,8 |
| ичимликлар ишлаб чиқариш | 38,4 | 2,0 |
| тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | - | - |

| | млрд. сўм | улуши, % да |
|---|---|---|
| тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 696,7 | 35,6 |
| кийим ишлаб чиқариш | 195,7 | 10,0 |
| тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 58,7 | 3,0 |
| ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш | 5,2 | 0,3 |
| қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 7,4 | 0,4 |
| ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 0,7 | 0,0 |
| кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 4,4 | 0,2 |
| кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 36,5 | 1,9 |
| асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 113,5 | 5,8 |
| резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 18,6 | 1,0 |
| бошқа нометал минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 47,7 | 2,4 |
| металлургия саноати | 36,3 | 1,9 |
| машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 101,6 | 5,2 |
| компютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 0,1 | 0,0 |
| электр ускуналар ишлаб чиқариш | 78,4 | 4,0 |
| бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш | 11,1 | 0,6 |
| автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш | 2,5 | 0,1 |
| бошқа транспорт учкуналари ишлаб чиқариш | 0,5 | 0,0 |
| мебел ишлаб чиқариш | 21,4 | 1,1 |
| бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш | 33,4 | 1,6 |
| машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш | 2,0 | 0,1 |

## ***Ишлаб чиқарадиган саноат технологик таркиби***

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 5,8 % ни (2019 йил январь-март ойларида - 6,2 % ни), ўрта-юқори технологияни улуши 6,6 % ни (6,8 %), ўрта-қуйи технологияли ишлаб чиқаришнинг улуши - 10,8 % ни (9,9 %), қуйи технологияли ишлаб чиқаришнинг улуши эса 76,8 % ни (77,2 %) ташкил этди.

**2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**



## Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитциялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 272,6 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат ҳажмининг 12,1 % ни) ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш буғ билан таъминлаш тизимлари ва хавони кондициялаш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 2,5 мартага ошганлиги кузатилди.

**Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитциялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

*(2020 йил январь-март ойларида)*

| | 2020 йил | 2019 йил | 2019 йилга нисбатан, % да |
|---|---|---|---|
| Электроэнергия - млн.кВт/с | 1 060,7 | - | 100,0 |
| Иссиқлик энергияси – мингГкал | 30,8 | 25,1 | 122,6 |

## Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 16,9 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат ҳажмининг 0,7 % ни) ташкил этди.

## ***Туман(шаҳар)ларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши***

Туман(шаҳар)ларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Мингбулоқ тумани (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 144,3 % га), Учқўрғон тумани (133,8 % га), Чуст тумани (128,2 % га), Наманган тумани (121,0 % га) хамда Наманган шаҳарларида (114,0 % га) сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажми индексининг ўсиши таъминланди.

| | *Саноат маҳсулотлари (млрд. сўм)* | *Жамига нисбатан улуши, % да* | *2019 йил январь-март ойларига нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| **Вилоят жами** | **2 250,2** | **100,0** | **119,9** |
| Наманган ш. | 893,5 | 39,8 | 114,0 |
| Мингбулоқ | 94,6 | 4,2 | 144,3 |
| Косонсой | 64,0 | 2,8 | 112,5 |
| Наманган т. | 202,2 | 9,0 | 121,0 |
| Норин | 70,8 | 3,1 | 106,4 |
| Поп | 124,8 | 5,5 | 105,3 |
| Тўрақўрғон | 309,8 | 13,8 | 103,0 |
| Уйчи | 158,0 | 7,0 | 104,2 |
| Учқўрғон | 218,4 | 9,7 | 133,8 |
| Чортоқ | 24,2 | 1,1 | 107,8 |
| Чуст | 62,8 | 2,8 | 128,2 |
| Янгиқўрғон | 27,1 | 1,2 | 106,8 |

**Туман(шаҳар)лар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, индекснинг ўсиш суръатлари**

*(2020 йил январь-март ойлари учун)*

*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)*




Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Наманган шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмнинг 39,8 % улушини), Тўрақўрғон (13,8 %), Учқўрғон тумани (9,7 %), Наманган (9,0 %), Уйчи (7,0 %), Поп (5,5 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудларга нисбатан кўрилганда, Наманган шаҳрида 1 423,7 минг сўм, Наманган туманида 1 129,4 минг сўм, Тўрақўрғон туманида 1 372,0 минг сўм ва Учқўрғон туманида 1 271,5 минг сўмни ташкил этиб, бошқа туманларга нисбатан юқори кўрсаткични ташкил этмоқда.

Туман(шаҳар)лар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Мингбулоқ туманида (2019 йил январь-март ойларига нисбатан 141,4 %), Учқўрғон (131,3 %), Чуст туманида (125,8 %), Наманган (118,3 %) туманларида ва Наманган шаҳрида (111,5 %) кузатилди. Шу билан бирга, Поп (103,5 %) ва Норин (104,4 %) туманларида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

**Туман(шаҳар)ларнинг вилоятдаги жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши,** *фоизда*
*(2020 йил январь-март)*




**Туман(шаҳар)лар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми,** *минг сўмда*
*(2020 йил январь-март)*



## Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 527,1 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, умумий ишлаб чиқаришдаги улуши ҳисобот даврида 23,4 % ни ташкил этди.

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмдаги улуши , % да.**




**Ҳудудлар бўйича четэл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларини саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да.**
(2020 йил январь-март ойлари)



**2020 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**

| | *Аҳоли жон бошига (минг сўмда)* | *2019 йил январь-март ойларига нисбатан, % да* |
|---|---|---|
| **Вилоят жами** | **808,9** | **118,9** |
| Наманган ш. | 1 423,7 | 111,5 |
| Мингбулоқ | 751,0 | 141,4 |
| Косонсой | 306,2 | 110,1 |
| Наманган т. | 1 129,4 | 118,3 |
| Норин | 432,6 | 104,4 |
| Поп | 569,1 | 103,5 |
| Тўрақўрғон | 1 372,0 | 100,8 |
| Уйчи | 743,0 | 101,9 |
| Учқўрғон | 1 271,5 | 131,3 |
| Чортоқ | 121,8 | 105,8 |
| Чуст | 236,5 | 125,8 |
| Янгиқўрғон | 124,5 | 104,6 |

***Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси***

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,4 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 60,3 % ни ташкил этмоқда.

Туман(шаҳар)лар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Янгиқўрғон, Чортоқ ва Норин туманларида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Уйчи (99,9%), туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Мингбулоқ (11,1 %), Поп (32,4 %) ва Тўрақўрғон (39,2 %) туманларида кузатилди.

**Туман ва шаҳарларнинг кичик бизнесдаги улуши,** *фоизда*

*(2020 йил январь-март)*




***Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши***

Республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастурга киритилган 26 та лойиҳа бўйича 71,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари**

*(2020 йил январь-март)*

| | ***2020 йил*** | ***2019 йил*** |
|---|---|---|
| **Лойиҳалар сони,** *бирлик* | 26 | 25 |
| **Корхоналар сони,** *бирлик* | 27 | 13 |
| **Ишлаб чиқариш ҳажми,** *млрд.сўм* | 71,9 | 18,1 |
| **Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми,** *минг АҚШ долл.* | 407,7 | - |
| **Яратилган янги иш ўринлари,** *бирлик* | 166 | 9 |

***Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари***

Бугунги кунда вилоятда 5730 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 2397 таси Наманган шаҳрига, 431 таси Наманган, 428 таси Уйчи, 418 таси Чуст, 367 таси Косонсой, 366 таси Тўрақўрғон, 261 таси Норин, 260 таси Учқўрғон, 225 таси Чортоқ, 222 таси Поп, 222 таси Янгиқўрғон, 133 таси Мингбулоқ туманларига тўғри келади.

2020 йил январь-март ойларида вилоятда 356 та саноат соҳасида корхоналар янги ташкил этилган бўлиб, асосан Наманган шаҳри, Наманган тумани, ва Уйчи туманларига тўғри келади.

**Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони,** *бирликда*
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига)*




2020 йил январь-мартойларида вилоятда 356 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан 25,3 % Наманган шаҳри, Наманган тумани, ва Уйчи туманларига тўғри келди.

***<u>Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш</u>***

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2019 йил январь-март ойларига нисбатан (113,1 %га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 42,6 % ни ташкил этди.

**Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати.**

| | *Ҳалқ истеъмол моллари (млрд.сўм)* | *Жамига нисбатан улуши, % да* | *2019 йил январь-март ойларига нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| **Вилоят жами** | **959,0** | **100,0** | **113,1** |
| Наманган ш. | 430,1 | 44,7 | 109,1 |
| Мингбулоқ | 10,2 | 1,1 | 112,3 |
| Косонсой | 39,6 | 4,1 | 117,7 |
| Наманган т. | 99,7 | 10,4 | 114,6 |
| Норин | 21,0 | 2,2 | 114,0 |
| Поп | 33,4 | 3,5 | 107,8 |
| Тўрақўрғон | 70,6 | 7,4 | 110,8 |
| Уйчи | 57,0 | 5,9 | 112,4 |
| Учқўрғон | 118,6 | 12,4 | 115,1 |
| Чортоқ | 20,2 | 2,1 | 111,2 |
| Чуст | 42,9 | 4,5 | 168,2 |
| Янгиқўрғон | 15,9 | 1,7 | 114,8 |

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**
*(2020 йил январь-март)*

## 2020 йил январь-март ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари




Истеъмол товарлари жами
озиқ-овқат товарлари
ноозиқ-овқат товарлари

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**
*(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, % да)*




озиқ-овқат товарлари
ноозиқ-овқат товарлари